

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

**УМУРЗОҚОВ ЖАМОЛИДДИН ШЕРБЕКОВИЧ**

**НЕФТЬ-ГАЗ КОРХОНАЛАРИ ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТ**  
**МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.07 - Молия, пул муомаласи ва кредит**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри - 2021 йил**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини  
олиш учун ёзилган диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
экономическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on  
economical sciences**

**Умурзоқов Жамолиддин Шербекевич**

Нефть-газ корхоналари инвестицион фаолият механизмини  
такомиллаштириш..... 3

**Умурзоков Жамолиддин Шербекевич**

Совершенствование механизма инвестиционной деятельности  
нефтегазовых предприятий ..... 27

**Umurzokov Jamoliddin Sherbekovich**

Improving the mechanism of investment activities of oil and gas enterprises ..... 51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 55

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

**УМУРЗОҚОВ ЖАМОЛИДДИН ШЕРБЕКОВИЧ**

**НЕФТЬ-ГАЗ КОРХОНАЛАРИ ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТ**  
**МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.07 - Молия, пул муомаласи ва кредит**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри - 2021 йил**

**Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Iqt1370 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tfi.uz](http://www.tfi.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Бакиева Ирода Абдушукуровна**  
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

**Расмий оппонентлар:** **Жумаев Нодир Хосиятович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Хайдаров Низомиддин Хамраевич**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:** **Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети Тошкент филиали**

Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.I.17.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «28» 02 куни соат 16:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, А.Темур кўчаси, 60А уй. Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-46-26; e-mail: [ilmiykengash@tfi.uz](mailto:ilmiykengash@tfi.uz)

Диссертация билан Тошкент молия институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (176 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 60А. Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-46-26; e-mail: [admin@tfi.uz](mailto:admin@tfi.uz)

Диссертация автореферати 2021 йил «08» 02 куни тарқатилди.  
(2021 йил «08» 02 даги 10 рақамли реестр баённомаси).



**Т.З.Тешабаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Н.Н.Каландарова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори, (PhD)

**И.Н.Кўзиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда углеводород хом ашёси, хусусан нефть ва газнинг янги захираларини аниқлаш ҳамда қазиб олиш ҳажмларининг қисқариб бориши, 2018 йилгача ҳамда 2020 йилда нефть-газ бозорида юзага келган глобал кризис натижасида кўпгина йирик нефть-газ корхоналари инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш жараёнларини ортга суришди. Натижада нефть-газ маҳсулотларига талаб ҳажми кескин ортиши кузатилиб, инвестициялаш жараёнлари корхоналар учун долзарб кўриниш ҳосил қилмоқда. “Бундай шароитда инвестицион фаолиятини самарали ташкил этиш давлатлар иқтисодиёти учун муҳим стратегик йўналишлардан бири бўлиб қолади”.<sup>1</sup> Ушбу фаолиятнинг тўғри ташкил этилиши яқунда соҳанинг тараққий этиши ҳамда корхоналар олдида турган стратегик мақсадларнинг тўғри ва ўз вақтида амалга оширилишига олиб келади.

Жаҳон амалиётида нефть-газ корхоналарининг инвестицион фаолияти механизмини такомиллаштириш, корхоналарнинг молиявий таъминотини самарали ташкил этиш, инвестициялардан оқилона фойдаланиш каби масалаларга қаратилган бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Мазкур тадқиқотларда инвестицион фаолиятнинг назарий ва ташкилий асослари, уларни шакллантириш, нефть-газ корхоналарида инвестицион фаолиятни ташкил этиш, унинг илмий-назарий, услубий жиҳатлари ва корхона фаолиятига таъсири ўрганилган. Шу билан бирга нефть-газ корхоналарида инвестицион фаолият механизмини такомиллаштириш, хусусан таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, рақамлаштириш, фаолиятни сунъий интеллект ёрдамида бошқариш каби омилларнинг инвестициялар самарадорлигини оширишга бевосита таъсири каби долзарб масалалар ўз илмий ечимини топмай қолмоқда.

Ўзбекистонда молиявий ресурсларнинг чекланганлиги шароитида инвестицион таъминот узлуксизлигига эришиш, маблағларнинг самарали ишлатилишини таъминлаш ҳамда кейинчалик янги ресурсларни жалб қилиш нефть-газ корхоналарига бозорда ўз ўрнини сақлаб қолиш ва кенгайтириш учун муҳим аҳамиятга эга. Шу боис иқтисодиётнинг етакчи тармоғи ҳисобланган нефть-газ саноатида корпоратив молияни бошқаришда молиявий таъминотни, хусусан инвестицион маблағларни жалб қилиш ва самаралари ишлатиш соҳасини такомиллаштириш юзасидан илмий тадқиқотлар олиб борилиши зарурлигини кўрсатади. “Хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш бўйича инвестиция лойиҳаларини фаол амалга ошириш, мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий, энг аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш, жалб қилинган хорижий инвестиция ва кредитлардан самарали фойдаланиш”<sup>2</sup> бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

<sup>1</sup> World Oil Outlook 2019, Organization of the Petroleum Exporting Countries (OPEC), 164-165 стр., О.Сухаревская “Нефтяной кризис в мире”, Международные ведомости, 17.05.2000

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 августдаги ПФ-5495-сон “Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2019 йил 9 июлдаги ПҚ-4388-сон “Аҳоли ва иқтисодий энергия ресурслари билан барқарор таъминлаш, нефть-газ тармоғини молиявий соғломлаштириш ва унинг бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 16 июлдаги 445-сон “Истиқболли инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори, шунингдек мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республикада фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Инвестицион фаолият механизмини амал қилишининг назарий ва ташкилий асослари, уларни шакллантириш, корхоналарда капитал таркиби, унинг самарадорлигини ошириш, инвестицион фаолият механизмининг инвестиция жараёнларидаги ўрни, нефть-газ корхоналарида инвестицион фаолиятни ташкил этиш, уларнинг турлари, илмий-назарий, услубий жиҳатлари, корхоналарда таркибий ўзгаришлар, уларнинг инвестицион фаолият механизмини такомиллаштиришга таъсири каби масалалар хорижий иқтисодчи олимлардан E.F.Bringham, M.C.Ehrhardt, D.Hillier, M.Grinblatt, Sh.Titman, E.Korso, Landesmann, Michael Alroy, F.Modigliani, M.Miller, Pierre Vernimmen, Stephen A. Ross, Randolph W. Westerfield, Bradford D. Jordan, P.X.Азиева, Л.К.Аюпова, Н.Берзон, С.М.Богданчиков, А.И.Перчик, П.Н.Брусов, Т.В.Филатова, Н.П.Орехова, В.М.Васильцова, Р.С.Голов, К.В.Балдин, И.И.Передеряев, Л.Д.Гитман, М.Д.Джонк, Д.А.Ендовицкий, А.П.Иванов, В.Д.Лавренко, Ю.Г.Швецов, И.М.Камнев, О.В.Борисова, А.Будаев, А.Н.Гаврилова, М.В.Грачева, Н.В.Киселёва, Т.В.Боровикова, Г.В.Захарова ва бошқа олимлар ишларида ўрганилган<sup>3</sup>.

---

<sup>3</sup>Bringham E.F., Ehrhardt M.C. Financial management theory and practice. Thomson South-Western, 2008. 1107 p., Hillier D., Grinblatt M., Titman Sh. Financial Markets and Corporate Strategy. London: McGraw-Hill Higher Education, 2012. 877 p., Korso E. Inclusive growth analysis and HRV: A methodological note. 2011. <http://siteresources.worldbank.org>, Landesmann, Michael Alroy (2000): Structural Change in the Transition Economies, 1989 to 1999. The Vienna Institute for International Economic Studies, Modigliani F., Miller M. The Cost of Capital, Corporate Finance, and the Theory of Investment // American Economic Review, v. 48. (1958), Pierre Vernimmen and others. Corporate finance: theory and practice. USA, Wiley, 2014. 997 p., Stephen A. Ross, Randolph W. Westerfield, Bradford D. Jordan. Fundamentals of Corporate Finance. New York, 2010. - 708 p., Азиева P.X. Зарубежный опыт управления нефтяным комплексом / P.X. Азиева // Молодой ученый. – 2013, Аюпова Л.К. Содержание организационно - экономического механизма инвестиционной деятельности промышленных предприятий // Экономические науки. 2007. №8 (33). С. 260, Берзон Н. Формирование

Шунингдек, мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан Б.С.Маматов, Д.Ю.Хўжамқулов, О.Ш.Нурбеков, Р.Р.Абдураупов томонидан олиб борилган илмий тадқиқотларда инвестицион фаолият механизмини амал қилишининг инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш босқичлари, инвестиция фаолиятида капитал қурилиш, инвестицияларнинг молиявий ва иқтисодий самарадорлигини баҳолаш жараёнларига таъсири тадқиқ этилган.<sup>4</sup>

С.Э.Элмирзаев<sup>5</sup> корпоратив молия ва унда юзага келадиган молиявий муносабатлар, корпоратив тузилмаларда молиявий механизмларни ташкил этиш ва такомиллаштириш, капитал таркиби, қарз маблағлари, инвестицияларни бошқаришнинг назарий ва амалий масалалари, шунингдек инвестицион фаолиятни бошқаришда солиқ муносабатларини самарали ташкил этиш йўллари борасида тадқиқот ишларини олиб борган.

Э.И.Носиров<sup>6</sup> тадқиқотларида инвестиция фаолиятини ташкил этиш ва уни амалга ошириш жараёнида рискларни бошқаришнинг назарий асослари баён этилган. Шу билан бирга корхоналарнинг инвестицион фаолиятини ташкил этиш ва такомиллаштириш масалалари мамлакатимизда алоҳида илмий тадқиқот иши сифатида бажарилмаганлиги ҳам тадқиқот иши мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Ж.Раззақов томонидан инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда синдициялаштирилган кредитлашнинг назарий жиҳатлари, Н.Г.Каримов ва Р.Х.Хожиматов инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш

---

инвестиционного климата в экономике. Вопросы экономики. 2001 год, 112-114-стр, Богданчиков С.М., Перчик А.И. Соглашения о разделе продукции. Теория, практика, перспективы. Право. Экономика. М.: Нефть и газ, 1999.

С. 484., Брусов П.Н., Филатова Т.В., Орехова Н.П., Современные корпоративные финансы и инвестиции: монография. – 2-ое издание, стер. – М.: КНОРУС, 2015. – 518с., Брусов П.Н., Филатова Т.В. От Модильяни-Миллера к общей теории стоимости и структуры капитала // Финансы и кредит, 2011. №3, Васильцова В.М., Инвестиционная привлекательность предприятий нефтегазового комплекса, ISSN 0135-3500. Записки Горного института, Т.201., Голов Р.С, Балдин К.В, Передеряев И.И. Инвестиционное проектирование: Учебник–М.: Дашков и К, 2010.- С.- 143, Гитман Л.Д., Джонк М.Д. Основы инвестирования. - М.: Дело, 1999. – 489 с., Ендовицкий Д.А. Комплексный анализ и контроль инвестиционной деятельности: методология и практика. - М.: Финансы и статистика, 2001. - 400 с., Иванов А.П. Финансовые методы управления инвестиционной привлекательностью компании / А.П. Иванов, И.В. Сахаров, Э.Ю. Хрусталева // Аудит и финансовый анализ. - 2006. - № 1. - С. 126, Лавренко В.Д., Повышение эффективности инвестиционного проекта, Вестник Университета №9, 2014, Швецов Ю. Г., Камнев И. М. Теоретическое содержание категории “Финансы” // Финансовая аналитика: проблемы и решения. 2017. Т. 10. Выпуск 11. С. 1206-1219, Борисова О.В. и др. Корпоративные финансы. Учебник и практикум. М.: Юрайт, 2015. 651 с., Будаев А. Нефтегазовая отрасль имеет большой потенциал для использования лизинга /А. Будаев. <http://m.oilcapital.ru/industry/247543>, Гаврилова А.Н. и др. Финансовый менеджмент: Учебное пособие. М.: Кнорус, 2008. С. 318, Грачева М. В. Риск-менеджмент инвестиционного проекта. /М.: Юнити, 2009. - С. - 44., Киселёва Н.В., Боровикова Т.В., Захарова Г.В. и др.; Инвестиционная деятельность. М.: КНОРУС, 2005. 432 с

<sup>4</sup>Маматов Б.С, Хўжамқулов Д.Ю, Нурбеков О.Ш. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Дарслик. – Т.: Иқтисод-молия, 2014. - 84-б., 16., Абдураупов Р.Р. Ўзбекистонда хорижий инвестицияли корхоналар иқтисодий салоҳиятини бошқариш механизмларини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация, автореф. Тошкент, 2017 й. 70-б.

<sup>5</sup>Элмирзаев С.Э. Корпоратив молия: Ўқув қўлланма. Т.: Sano-standart, 2015. - 256 б; Элмирзаев С.Э. Корпоратив молияни бошқаришда солиқ муносабатларини самарали ташкил этиш масалалари. Монография. – Т.: “Иқтисод-молия”, 2017. – 160 б.

<sup>6</sup>Э.И.Носиров ва бошқалар “Инвестиция рискларини бошқариш”. Ўқув қўлланма.-Т.: “Фан ва технология”. – Т.:2012 йил, 116 бет.

масалалари, А.С.Турдиев, Г.Я.Муhibaва, С.О.Ибрагимов инвестицион муҳит жозибаторлигига таъсир этувчи омиллар борасида бир қатор тадқиқотлар олиб борилган<sup>7</sup>.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти Тошкент молия институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Рақамли иқтисодиёт шароитида молия, банк ва ҳисоб тизимини мувофиқлаштиришнинг илмий асослари” мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** нефть-газ корхоналари инвестицион фаолият механизмини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

инвестицион фаолият механизмини амал қилишининг назарий ва ташкилий асосларини илмий тадқиқ қилиш;

корхоналарнинг инвестицион жозибаторлиги ва унга таъсир кўрсатувчи омилларни очиқ бериш;

нефть-газ корхоналарида капитал таркиби ва самараторлигини, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш тенденцияларини ўрганиш ва таҳлил қилиш;

нефть-газ корхоналари инвестицион фаолият механизмини такомиллаштиришнинг хориж тажрибасидан фойдаланиш имкониятларини кўриб чиқиш;

нефть-газ корхоналари инвестицион фаолиятининг молиявий механизмини такомиллаштириш истиқболларини белгилаб бериш;

корхоналарда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш орқали инвестицион фаолликни ошириш бўйича хулосалар, илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

инвестицион фаолиятни бошқариш механизмини такомиллаштириш ва самарали ташкил этиш бўйича аниқ хулосалар, илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида “Ўзбекнефтгаз” акциядорлик жамияти ва унинг таркибига кирувчи корхоналар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** нефть-газ корхоналари инвестицион фаолият механизмини такомиллаштиришда вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда умумлаштириш, гуруҳлаш, илмий тафаккур, иқтисодий-статистик, истиқболли прогнозлаштириш, индукция ва дедукция, тадқиқот объектлари ва олинган натижаларни баён қилиш каби усуллардан фойдаланилган.

---

<sup>7</sup>Раззақов Ж. Инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда синдициялаштирилган кредитлашнинг назарий жиҳатлари // Молия. Т., 2016. №2. 103 б., Каримов Н.Г. Хожиматов Р.Х. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Т. ТДИУ, 2011. Б. 290-291, Турдиев А.С., Муhibaва Г.Я., Ибрагимов С.О. (ТАҚИ), Инвестицион муҳит жозибаторлигига таъсир этувчи омиллар, УДК: 69.330.322, 34.



### **Тадқиқотнинг илмий янгиликлари** қуйидагилардан иборат:

инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг давомийлик нуқтаси силжиши муддатини камайтириш орқали даромаднинг ички даражаси кўрсаткичини ўртача икки фоизга ошириш ҳамда капитал қўйилмалар қийматини қисқартириш имконияти асосланган;

нефть-газ корхоналари қазиб олиш ва қайта ишлаш йўналишларидаги инвестиция лойиҳаларини корхонанинг ўз капитали ва қарз маблағлари ҳисобидан молиялаштиришнинг оптимал даражаси, салоҳиятли инвесторларни таснифлашнинг лойиҳа хусусиятига ҳамда пул оқимлари ҳажмини кўпайишига таъсири аниқланган;

нефть-газ корхоналари истиқболли инвестиция лойиҳаларида активларни трансформацион молиялаштириш, концессияларни биргаликда ишлатиш, суверен молиялаштиришнинг таркибий қисмларидан фойдаланиш ҳисобига инвестицион сарфлар ҳажмини ўн уч фоизга камайтириш асосланган;

нефть-газ корхоналари инвестицион фаолиятида хусусий сектор молиявий маблағларини давлат-хусусий шериклик асосида жалб қилиш натижасида иқтисод қилинган молиявий ресурсларни углеводород захиралари ҳажмини оширишга йўналтириш таклиф этилган.

### **Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

нефть ва газни қайта ишлаш саноати корхоналарида лойиҳаларни бошқариш, қарорларни қабул қилиш соҳаларида рақамлаштирилган бошқарув усулларини қўллаш таҳлили ўтказилган;

инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш жараёнида махсус молиявий технологиялардан фойдаланиш ҳамда харажатларни оптималлаштиришда қўлланиладиган таҳлил кўрсаткичлари ва ахборот базалари шакллантирилган;

лойиҳаларни бошқариш ахборот тизимини самарали қўллашнинг молиявий механизмлари бўйича хорижий тажрибаларни жорий этиш йўллари илмий асосланган;

инвестицион лойиҳаларда хусусий сектор иштирокини таъминлаш мақсадида давлат-хусусий шериклик асосида инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш йўналишлари ва механизмлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** амалга оширилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик-статистик ишонччилик интервалида текширилганлиги, статистик қонуниятларда келтирилган ишонччилик талабларига жавоб бериши, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Ташқи савдо ва инвестициялар вазирлиги, Энергетика вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, “Ўзбекнефтгаз” АЖ, “Ўзтрансгаз” АЖ, “Худудгазтаъминот” АЖ амалий-статистик маълумотлари ҳамда ҳисоботларига асосланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган таклифлардан илмий-назарий хулоса, таклиф ва тавсияларнинг нефть-газ корхоналарида инвестицион фаолият механизмини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган тавсиялардан нефть-газ корхоналари инвестицион фаолияти механизмини ишлаб чиқишда, инвестиция лойиҳаларини хусусий ва қарз манбалари, хорижий инвестиция ва кредитлар ҳисобига молиялаштиришда, корхоналар инвестиция фаолиятини бошқариш ва самарали ташкил этишда хорижий тажрибани қўллашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Нефть-газ корхоналари инвестицион фаолият механизмини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг давомийлик нуқтаси силжиши муддатини камайтириш орқали даромаднинг ички даражаси кўрсаткичини ошириш ҳамда капитал қўйилмалар қийматини қисқартириш бўйича таклифи “Ўзбекнефтгаз” АЖда инвестиция лойиҳалари таҳлилида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлигининг 2020 йил 9 сентябрдаги 04-16-4650-сон, “Ўзбекнефтгаз” АЖнинг 2020 йил 10 сентябрдаги 03/17-5/9-2013-сон маълумотномалари). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида инвестиция лойиҳаларида иқтисодий тежамкорлик ўртача икки фоизга тенг бўлган;

нефть-газ корхоналари қазиб олиш ва қайта ишлаш йўналишларидаги инвестиция лойиҳаларини корхонанинг ўз капитали ва қарз маблағлари ҳисобидан молиялаштиришнинг оптимал даражаси, салоҳиятли инвесторларни таснифлашнинг лойиҳа хусусиятига ҳамда пул оқимлари ҳажмини кўпайишига таъсирини аниқлаш бўйича таклифи “Ўзбекнефтгаз” АЖ ва унинг таркибидаги корхоналар инвестиция лойиҳалари таҳлилида фойдаланилган (“Ўзбекнефтгаз” АЖнинг 2020 йил 10 сентябрдаги 03/17-5/9-2013-сон маълумотномаси). Натижада, 2020 йил январь-сентябрь ойларида “Ўзбекнефтгаз” АЖнинг инвестиция лойиҳаларида пул оқимлари ҳажми бўйича 200 млрд. сўмга тенг маблағлар иқтисод қилинган;

нефть-газ корхоналарни истиқболли инвестиция лойиҳаларида активларни трансформацион молиялаштириш, концессияларни биргаликда ишлатиш, суверен молиялаштиришнинг таркибий қисмларидан фойдаланиш ҳисобига инвестицион сарфлар ҳажмини камайтириш, қарорларни қабул қилиш соҳаларида рақамлаштирилган бошқарув усулларини қўллаш бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон - 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6079-сон Фармонида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2020 йил 22 декабрдаги 05/16-04-10/41-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида инвестицион қарорларни

қабул қилишда турли хил молиявий технологиялар қўлланилган ҳамда инвестицион лойиҳаларни амалга оширишда 13 фоизга тенг бўлган иқтисодий самарадорликка эришиш имконини берган;

нефть-газ корхоналари инвестицион фаолиятида хусусий сектор молиявий маблағларини давлат-хусусий шериклик асосида жалб қилиш натижасида иқтисод қилинган молиявий ресурсларни углеводород захиралари ҳажмини оширишга йўналтириш таклифи “Ўзбекнефтгаз” АЖнинг инвестицион фаолияти таҳлилида фойдаланилган (“Ўзбекнефтгаз” акциядорлик жамиятининг 2020 йил 10 сентябрдаги 03/17-5/9-2013-сон маълумотномаси). Натижада, давлат-хусусий шериклик асосида кўпikli полипропилен ва олтингугуртдан кимёвий ўғитлар олиш инвестицион лойиҳаларини амалга оширилиши ҳисобига 125 та янги иш ўринлари яратиш имконияти юзага келган, 65 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маблағлар иқтисод қилинган, ҳамда углеводород захираларини ошириш ишларига йўналтирилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Ушбу тадқиқот натижалари 10 та республика ва 4 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларни асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та илмий мақола, жумладан 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан таркиб топган. Диссертация ҳажми 132 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва аҳамияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилиниб, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Инвестицион фаолият механизмининг илмий-назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида инвестицион фаолият механизмини амал қилишининг назарий ваташкилий асослари, нефть-газ корхоналарининг инвестицион жозибadorлиги ва унга таъсир кўрсатувчи омиллар, нефть-газ корхоналарида инвестицион фаолиятни баҳолашнинг мезон ва кўрсаткичлари атрофлича тадқиқ қилинган ва тегишли хулосалар шакллантирилган.

Бугунги кунда барқарор иқтисодий ривожланишнинг муҳим шарт-шароитлари ва омиллари орасида инвестицион фаолият алоҳида ўрин эгаллайди. Инвестицион фаолият самарадорлигини таъминлаш жараёнларига

таъсир кўрсатувчи омиллар натижасида, ишлаб чиқаришда инвестиция сифими ва самарадорлиги ортиб боради. Инвестиция қайтимининг реал шакли пул маблағлари кўринишида ўзлаштирилиб, корхонанинг ялпи даромадида ўз аксини топади.

Бизнингча, инвестицион фаолият механизми - инвестицион фаолиятни амалга оширишнинг шакли ва усуллар тўплами ҳисобланган инвестиция манбалари ва воситаларини ишлаб чиқаришни кенгайтиришга йўналтирилган қисмини тизимли қўллаб-қувватлашга асосланган ҳуқуқий, ташкилий ва иқтисодий, молиявий услублар мажмуаси ҳисобланади.

Нефть-газ корхоналарнинг барча бўғинларида инвестицион фаолиятни бирдек самарали олиб бориш чуқур ўйланган ҳамда тармоқнинг барча хусусиятларидан келиб чиқиб ишлаб чиқилган инвестицион ривожланиш стратегияси асосида олиб борилиши лозим. Ушбу ҳолатда инвестицияларни тўғри баҳоланганлиги катта аҳамият касб этади, сабаби айнан баҳолаш натижалари тармоқнинг у ёки бу бўғинини ривожлантириш бўйича қарорлар қабул қилиш, ресурсларни оқилона тақсимлаш, инновацияларни қўллаш, рағбатлантириш каби муҳим қарорлар қабул қилишда асос бўлиб хизмат қилади.

Инвестиция фаолиятининг ҳуқуқий асоси ва кафолати бўлган “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонун Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2019 йил 25 декабрь куни имзоланди. Мазкур қонун илгари инвестицияга оид қонун ҳужжатларида мавжуд бўлмаган янги тартиб ва қоидалар билан янада такомиллаштирилганлиги аҳамиятлидир.

Бозор иқтисодиёти шароитида, барқарор ва иқтисодий салоҳиятга эга бўлган инвесторлар инвестиция қилинаётган давлат, минтақа, корхона ёки лойиҳа қачонки юқори иқтисодий самара бериши ҳақида қатъий ишонч ҳосил қилгандагина ўз маблағларини инвестициялаш учун қарор қабул қиладилар.

Маълумки, нефть-газ саноати ўзининг алоҳида тармоқ хусусиятларига эга. Бошқа тармоқлардан фарқли равишда бу соҳада инвестиция фаолиятида ижобий натижага эришиш кўпроқ ташқи омилларга ҳам боғлиқ. Энг асосий ташқи омиллар сифатида жаҳон бозорида нефть нархи динамикаси, санкциялар, нефть ёки газ қазиб олишни чеклаб туриш бўйича келишувлар, нефть қазиб олиш ишларига инвестициялар киритишни вақтинчалик тўхтатиб туриш бўйича мажбуриятларни келтириш мумкин.

Жаҳон бозорининг ўзгариш тенденциялари, талаб ва таклиф муносабатининг ўзгариши ва сабаблари, рақобатчилар стратегияси, энергия истеъмолидаги таркибий ўзгаришлар, талабнинг мавсумий тебранишлари тўғрисидаги маълумотлардан ўз вақтида хабардор бўлиб бориш компания мақсадларини самарали амалга оширишда катта аҳамият касб этади.

Сўнгги йилларда энергия манбаларини диверсификация қилиш бўйича изчил ишлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга, геология қидирув ишлари, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва нархларни шакллантириш ишларининг самарасизлиги республика иқтисодиёти ва аҳолисининг энергия

ресурслари билан тўлиқ таъминланмаслигига, нефть-газ тармоғи корхоналари молиявий ҳолатининг ёмонлашувиغا олиб келди. Жумладан, сўнгги 20 йилда табиий газ қазиб олиш ҳажми 8 фоизга ошгани ҳолда мамлакат корхоналари томонидан уни қазиб олиш ҳажми 29 фоизга пасайди, 2008-2018 йилда тасдиқланган табиий газ захиралари 4 фоизга қисқарди, ўтган 5 йил давомида табиий газнинг табиий захиралари ўрнини тўлдириш бўйича ўртача кўрсаткич 70 фоизга яқин ҳажми ташкил этди.<sup>8</sup>

2017-2018 йилларда молиявий маблағларнинг етишмаслиги ва моддий-техник ресурсларнинг тақчиллиги натижасида табиий газ қазиб олишнинг ўсиши прогноз кўрсаткичларига нисбатан 42 фоизни ташкил этган ҳолос.

Бунинг асосий омилларидан бири углеводород захираларини ўстириш кўрсаткичларининг сўнгги йилларда пасайиб кетгани билан ҳам изоҳланади. Хусусан, сейсмоқидирув 3Д ишлари 2019 йилда 2500 кв.км ташкил қилган бўлса, 2020 йилда 30 кв.км.га тенг бўлди. Сўнгги 2 йилда табиий газ захирасини ўстириш даражаси 47,8 фоиз газ конденсатиники эса 59,5 фоиз даражасида бўлганини кўриш мумкин (1-жадвал).

### 1-жадвал

#### “Ўзбекнефтгаз” АЖда 2019-2021 йилларда углеводород захираларини ошириш кўрсаткичлари<sup>9</sup>

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2019 йил	2020 йил		2021 йил	
			амалда	ўсиш суръати, (фоизда)	прогноз	ўсиш суръати, (фоизда)
Сейсмоқидирув 3Д ишлари	кв. км	2500	750	30	1370	182,7
Янги майдонларни излов бурғиlashга жорий қилиш	майдон	11	6	54,5	19	316,7
Излов-қидирув ва параметрик бурғиlash	минг пог.м	96,7	76,4	79	170,0	222,5
Кудукларни қурилиш билан тугатиш	бирлик	44	33	75	50	151,5
Углеводород захираларини ўстириш, шундан:						
<i>табиий газ</i>	<i>млрд.м.куб.</i>	<i>42,04</i>	<i>20,1</i>	<i>47,8</i>	<i>35,0</i>	<i>174,2</i>
<i>конденсат</i>	<i>минг.т.</i>	<i>1700,0</i>	<i>1012,0</i>	<i>59,5</i>	<i>900,0</i>	<i>88,9</i>
Геология қидирув ишлари учун капитал қўйилмаларни ўзлаштириш	млрд.сўм	979,5	572,5	58,4	1200,0	209,6

Ўз навбатида углеводород захираларини ўстириш даражасининг пастлиги ажратилган капитал қўйилмалар ҳажмининг етарли эмаслиги билан изоҳланади, яъни 2020 йилда 572,5 млрд.сўм ажратилган бўлса 2019 йилда бу кўрсаткич 979,5 млрд.сўм миқдорида бўлганлигини кузатамиз.


Таҳлиллар шуни кўрсатадики, тартибга солиш функциялари ва тижорат

<sup>8</sup>“Ўзбекнефтгаз” АЖнинг тегишли йиллардаги ҳисобот маълумотлари.

<sup>9</sup>“Ўзбекнефтгаз” АЖнинг расмий ахборот сайти [www.ung.uz](http://www.ung.uz) статистик маълумотлари

фаолиятини ўзида бирлаштирган бошқарувнинг эскирган ва шаффоф бўлмаган тизими нефть-газ тармоғи корхоналарида замонавий менежментни жорий этишга, уларнинг молиявий барқарорлиги ва рентабеллигини оширишга тўсқинлик қилмоқда.

Фикримизча компания ўзининг инвестицион стратегиясини, шунингдек алоҳида лойиҳалар бўйича узоқ муддатли мақсадларни, уларнинг молиявий-иқтисодий прогнозларини белгилаб олишда тегишли назарий усулларни қўллаш билан бир қаторда юқорида санаб ўтилган маълумотларни ҳам чуқур таҳлил қилган ҳолда иш юритиши тўғри бўлади.



### **1-расм. Нефть-газ корхоналарида инвестицион жозибдорликка таъсир этувчи асосий омиллар<sup>10</sup>**

Мазкур жараёнда нефть-газ корхоналари олдида турган асосий масала – бу инвестиция жараёнлари қатнашчилари учун қулай бўлган таҳлил қилиш, саралаб олиш, прогнозлаш, қарор қабул қилиш ва амалга ошириш босқичлари учун оптимал схемани ишлаб чиқиш ва амалга оширишдир. Мазкур муаммонинг ечими якунда компания акциядорлари ва таъсисчилар томонидан қўйилган вазифанинг қай даражада уддаланганлиги ёки бир сўз билан айтганда инвестицион фаолиятнинг умумий самарадорлик даражасини ҳам белгилаб беради.

Ҳозирги кунда замонавий нефть-газ корхоналарида инвестиция жараёнлари прогнозлашнинг стандартлашган ва максимал рақамлаштирилган механизми асосига курилади. Ўйлашимизча нефть-газ корхоналари инвестицион жозибдорликни таъминлашда, энг аввало, иқтисодий-ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатдан мукамал бўлган узоқ муддатли инвестициялаш механизмини шакллантириши лозим.

Нефть-газ корхоналари инвестицион фаолияти самарадорлиги корхонанинг рентабеллиги ва акцияларини котировкалаш (капиталлаштириш), жорий молиявий кўрсаткичлар нисбатида дебиторлик қарз мажбуриятларининг улуши, корхонанинг кредиторлик рейтинги даражаси каби қатор кўрсаткичлар билан тавсифланади (1-расм).

Таҳлилларимиз натижасида, тадқиқот объекти бўлган “Ўзбекнефтгаз” АЖ инвестицион жозибдорлигини ошириш мақсадида молиявий менежментни фаол ташкил этиш, молиявий кўрсаткичлар барқарорлигини

<sup>10</sup>Тадқиқот жараёнида муаллиф томонидан тайёрланди.

таъминлаш, корпоратив бошқарув тамойилларини самарали жорий этиш, халқаро кредит рейтингини олиш ва унинг барқарорлигига эришиш, молиявий ҳисоботларни халқаро стандартлар асосида тайёрлаш, кадрлар салоҳиятини ошириш кабиларга эътибор қаратиш зарур деб ҳисоблаймиз.

Нефть-газ корхоналарида инвестицион лойиҳалар жозибадорлигини баҳолашнинг бир неча усуллари ва шунга мувофиқ, бир неча асосий кўрсаткичлар мавжуд. Ҳар бир усул асосан бир хил принципга эга. Инвестицион лойиҳани амалга ошириш натижасида корхона фойда келтириши керак (компаниянинг ўз капитали кўпайиши керак), шу билан бирга турли молиявий кўрсаткичлар лойиҳани ҳар хил томондан тавсифлайди ва шу билан боғлиқ бўлган турли гуруҳлар манфаатларига жавоб бериши мумкин.

Инвестиция лойиҳаларининг молиявий-иқтисодий самарадорлигини баҳолашда чет эл мамлакатларининг тажрибаси, шу билан бирга UNIDO (Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Саноатни Ривожлантириш бўйича Ташкилоти) томонидан ишлаб чиқилган услубиёт асосида шакллантирилган замонавий баҳолаш усулларида фойдаланилади ва бу усулларни шартли равишда икки гуруҳга бўлиш мумкин: оддий (анъанавий) усуллар ва дисконтлашга асосланган усуллар”<sup>11</sup>.

Нефть-газ корхоналарида инвестицион лойиҳалар самарадорлигини баҳолашда РР (қоплаш муддати), соф жорий қиймат - NPV (соф жорий қиймат), ички даромадлилик даражаси - IRR (ички даромадлилик даражаси), ўзгарган ички даромад даражаси (MIRR), инвестицияларнинг рентабеллиги - Р (рентабеллик), фойда кўрсаткичи - PI (рентабеллик индекси) каби кўрсаткичлардан фойдаланилади.

Ушбу кўрсаткичлар тизимига асосланган инвестицион фаолият самарадорлигини ҳисоблаш жараёни, вақт омилини ҳисобга олган ҳолда дисконтлаш усули орқали амалга оширилади. Аксарият ҳолларда, капиталнинг ўртача тортилган қиймати дисконтлаш ставкаси сифатида танланади, агар бу зарур бўлса, маълум бир лойиҳани амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ҳавф кўрсаткичлари ва инфляциянинг кутилаётган даражаси учун тузатилиши мумкин.

Нефть-газ корхоналарида инвестицион фаолият индикаторини ҳисоблаш натижанинг ишончлилиги шубҳали ҳисобланса, дисконтлаш ставкаси сифатида таҳлил қилинаётган лойиҳанинг таваккалчилиги мослаштирилган ўртача бозор рентабеллик қиймати танланади.

Диссертациянинг **“Республика нефть-газ корхоналари инвестицион фаолиятининг ҳозирги ҳолати”** деб номланувчи иккинчи бобида, нефть-газ корхоналарида капитал таркиби ва самарадорлиги таҳлили, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш тенденциялари, нефть-газ корхоналари инвестицион фаолият механизмини такомиллаштиришнинг хориж тажрибасидан фойдаланишимкониятлари таҳлил қилинган ва илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқилган.

---

<sup>11</sup>Староверова Г.С. и др. Экономическая оценка инвестиций: учебное пособие -М.: КНОРУС, 2006.-312с.


Нефть-газ корхоналарида капитал таркиби ички ва ташқи манбаларга ажаратади. Молиявий ресурсларнинг ички манбалари аввало молиявий-хўжалик фаолияти давомида шаклланади ва ўзини ўзи молиялаштиришда алоҳида аҳамият касб этади. Умуман, нефть-газ корхоналари олдида молиявий ресурсларга бўлган талабни тўлиқ ёки зарурий даражада қоплай олиш масаласи доимий равишда туради.

Кузатувларимиз натижасида нефть-газ корхоналарида инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг асосий ички манбалари соф фойда, амортизация ажратмалари, фойдаланилмаётган активларни сотиш, фоизлар, активларни ижарага бериш кабилар эканлиги маълум бўлди.

Фикримизча бозор иқтисодиёти шароитида нефть-газ корхоналарида инвестицион фаолиятни ташкил этишда ўзини-ўзи молиялаштириш схемаси орқали молиялаштиришни ташкил этиш корхона муваффақиятини кафолатламайди. Айнан шундан келиб чиққан ҳолда корхона молиялаштиришнинг бошқа бир тури – жалб қилинган ёки қарз маблағларини инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтиришдан ҳам манфаатдор бўлиши лозим деб ҳисоблаймиз.

Оптимал капитал тузилмасини аниқлашда юзага келадиган асосий муаммо - бундай тузилманинг самарадорлигига таъсир қилиши мумкин бўлган жуда кўп омилларни ҳисобга олиш зарурлигидир. Масаланинг моҳияти шундаки, инвестиция лойиҳасини (ёки умуман корxonани) баҳолаш тўғрисидаги қарор ҳар хил шароитда, шу жумладан турли хил молиялаштириш схемалари билан - ҳам ўз капиталидан, ҳам қарз капиталидан фойдаланиш мумкин бўлган шароитда амалга оширилади.

Шу нуқтаи-назардан нефть-газ корхоналари қазиб олиш ва қайта ишлаш йўналишларидаги инвестиция лойиҳаларини корxonанинг ўз капитали ва қарз маблағлари ҳисобидан молиялаштиришнинг оптимал даражасини аниқлаб келиш кейинчалик лойиҳаларнинг муваффақиятли амалга оширилишига асос бўлиб хизмат қилади.



**2-расм. 2011-2019 йилларда “Ўзбекнефтгаз” АЖ томонидан ўзлаштирилган инвестицияларнинг йўналишлар бўйича тақсимоли (млн. АҚШ доллари)<sup>12</sup>**

<sup>12</sup>“Ўзбекнефтгаз” АЖнинг тегишли йиллардаги ҳисобот маълумотлари.



Биз тармоққа инвестицион фаолиятни молиялаштиришда капитал таркиби таҳлилини шартли равишда 2016 йилдан бошлаб кўриб чиқамиз. Тадқиқотимизда инвестициялар оқими ва унинг самарадорлиги таъсирини ҳамда бошқа омиллар таъсирини ўрганишда корреляция ва дисперсия каби статистик коэффициентлардан фойдаланганмиз.

2016-2019 йилларда Ўзбекистон Республикасининг давлат Инвестиция дастури доирасида "Ўзбекнефтгаз" АЖ томонидан жами 12,2 млрд АҚШ доллари миқдорида инвестициялар, шу жумладан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳисобидан 7,1 млрд АҚШ доллари ўзлаштирилди.

2016-2019 йилларда нефть-газ корхоналарининг инвестицион фаолият таҳлилларига мувофиқ корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштириш ҳажми ўртача 18,5 фоиздан 8,6 фоизга пасайган. Шунингдек, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳажми 2 246,8 млн. АҚШ долларида, 1 887,0 млн. АҚШ долларида пасайган. Ушбу кўрсаткич жами инвестицияларга нисбатан фоиз ҳисобида ўртача 74 фоиздан 58 фоизгача пасайган. Шу билан бирга давлат томонидан кафолатланган хорижий кредитлар ҳисобига жами инвестициялар ҳажмида 6,7 фоизга қўшимча ўсиш суръати таъминланган (2-расм).

Бунда кафолатланган қарз маблағларининг асосан углеводородларни чуқур қайта ишлаш лойиҳаларини амалга оширишда жалб қилинаётганлигини таъкидлаш аҳамиятли.

Таҳлилларимиз шуни кўрсатадики, ўзлаштирилган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар асосан углеводородларни қазиб олиш ва қайта ишлаш йўналишларига киритилган бўлиб Қандим гуруҳи конлари, Ҳисор инвестиция блокани, Хожисаёт газконденсат конларини ўзлаштириш, шунингдек Шўртан газ-кимё комплекси ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш лойиҳаларига йўналтирилган. Ундан кейинги ўринда Давлат кафолати остида жалб қилинган хорижий инвестиция ва кредитлар кенг жалб қилинган бўлиб бу маблағлар асосан Шўртан газ-кимё комплекси негизида тозаланган метандан суюлтирилган углеводородларни олиш (GTL – gas to liquid) лойиҳасига йўналтирилган.

Нефть-газ корхоналарида турли йўналишларда амалга ошириладиган лойиҳаларда самарадорлик кўрсаткичлари турли даражада бўлиши кузатилади ва уларга таъсир кўрсатувчи омиллар ҳам бир-биридан тубдан фарқ қилади. Айтайлик, қазиб олиш лойиҳаларида IRR ва IP кўрсаткичлари қайта ишлаш лойиҳаларидагига қараганда бир мунча фарқ қилади.

Ўзбекистон шароитида инвестиция блокларида геология-қидирув ишларини ўтказиш ва шартли равишда 0,6 млрд.куб.м табиий газни қазиб олиш лойиҳасида капитал ҳаражатлар 1,6 млрд. АҚШ долларини ташкил этгани ҳолда IRR (ички даромадлилик даражаси) кўрсаткичи 25 фоизга ва IP (инвестицияларнинг рентабеллиги) кўрсаткичи эса 2,2 га тенг бўлишини тахмин қилиш мумкин. Бунда акциз солиғи ва табиий бойликлардан фойдаланиш солиғи нолга тенг, IP кўрсаткичи WACC (Weight average cost of

capital) 10 фоизга тенг бўлган ҳолатда ҳисобланиб блокни дастлабки ўрганиш харажатлари ҳисобга олинмаган.

Энди ушбу таҳлилни нефтгазимё лойиҳалари учун кўриб чиқадиган бўлсак, унда қуйидагича вазиятни кузатишимиз мумкин бўлади. Табиий газни чуқур қайта ишлаб, йилига 940 минг тонна шартли маҳсулотлар (полиэтилентерефталат, поливинилхлорид, полистирол, полиол ва бошқалар) ишлаб чиқариш лойиҳасини кўриб чиқамиз. Ушбу қувват учун капитал харажатлар миқдори 4,1 млрд. АҚШ долларини ташкил этиб, IRR кўрсаткичи 15,2 фоиздан юқори бўлмаслиги кузатилади. NPV (соф жорий киймат) 2,2 млрд. АҚШ долларига тенг. Инвестицияларнинг самарадорлик индекси 1,6 бирликка тенг.

## 2-жадвал

### “Ўзбекнефтгаз” АЖ тизимида амалга оширилган айрим инвестиция лойиҳаларида давомийлик нуқтаси силжишининг таққослама жадвали<sup>13</sup>

Лойиҳа номлари	Лойиҳани амалга ошириш бошланган вақт	Инвестиция даврининг давомийлиги		Фарқи	Асосий омиллар
		лойиҳа ҳужжатлари бўйича	амалда		
Сургиль кони негизда газ-кимё комплексини қуриш	2008 йил 18 февраль	78 ой	93 ой	15 ой	Маъмурий ўзгаришлар, лойиҳа концепциясига киритилган тузатишлар
Шўртан ГКК негизда тозаланган метандан суюлтириган ёқилги ишлаб чиқариш (ЖТЛ)	2009 йил 15 октябрь	42 ой	102 ой	60 ой	Капитал таркиби, молиялаштириш шартларининг кескин ўзгариши, инвесторларни лойиҳада иштирок этишдан бош тортиши
Қандим газни қайта ишлаш заводини қуриш	2008 йил 23 май	44 ой	106 ой	62 ой	Инвестор томонидан лойиҳа стратегиясига киритилган ўзгартиришлар

Бу нарса лойиҳаларда самарадорлик кўрсаткичлари турли даражада бўлишини кўрсатиб, уларга таъсир кўрсатувчи омиллар ҳам бир-биридан тубдан фарқ қилишини англатади. Шундан келиб чиққан ҳолда ижтимоий (янги иш ўринлари, ҳудуд инфраструктураси), иқтисодий (молиявий иқтисодий кўрсаткичлар) ҳамда бюджет (солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар) самарадорлигини ягона алгоритмик ёндашув асосида комплекс баҳолаш орқали нефть-газ корхоналари инвестицион лойиҳаларини молиялаштиришга устуворлик бериш таклиф этилади.

Сўнгги йилларда “Ўзбекнефтгаз” АЖ томонидан бевосита ва билвоста амалга оширилган инвестиция лойиҳаларда капитал таҳлили шуни

<sup>13</sup>“Ўзбекнефтгаз” АЖнинг расмий ахборот сайти [www.ung.uz](http://www.ung.uz) статистик маълумотлари ва Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари миллий базаси [www.lex.uz](http://www.lex.uz) маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди

кўрсатадики, мазкур даврда лойиҳаларни молиялаштиришда капитал таркибининг лойиҳа самарадорлигига таъсирига етарли даражада эътибор қаратилмаган. “Ўзбекнефтгаз” АЖ томонидан ўрганилаётган даврда амалга оширилган аксарият лойиҳаларда капитал таркибида сезиларни ўзгаришлар юзага келгани кузатилади.

2016 йилгача бўлган даврда углеводород хомашёсини қазиб чиқаришни зарур ресурслар базаси билан таъминлаш етарли даражада бўлмаганлиги кейинчалик ундан кейинги 5 йилликда ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қолмади. Хусусан, ушбу даврда қазиб олинаётган захираларнинг асосий улуши 25-30 йил аввал очилган анъанавий нефть ва газ конлари ҳиссасига тўғри келган. Уларни ишлатилганлик даражаси ўртача 70 фоизни ташкил қилади.

Корхонага йўналтирилган инвестициялар самарадорлигини баҳолаш жараёнида шу нарса маълум бўлдики, инвестициялаш жараёнларини самарали ташкил этиш энг аввало молиявий менежмент инструментларини оқилона қўлланилиши билан боғлиқ. Корхонада инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш тенденцияларини таҳлил қилиш натижасда қуйидаги тизимли камчиликларни санаб ўтиш мумкин:

### 3-жадвал

#### “Ўзбекистон ЖТЛ” шартли лойиҳасида амалга ошириш давомийлик нуқтасини ўзгаришининг солиштирма таҳлили\*

Қурилишни бошланиш йили	2016	2016
Қурилишни тугалланиш йили	2020	2021
Лойиҳанинг тугаш йили	2045	2046
<b>Самарадорлик кўрсаткичлари</b>		
<b>Даромаднинг ички даражаси (IRR)</b>	<b>9,26 фоиз</b>	<b>9,06 фоиз</b>
<i>Лойиҳани ўзини оқлаш даври (қурилишдан бошлаб)</i>	<i>13 йил</i>	<i>14 йил</i>
<i>Лойиҳани ўзини оқлаш даври (эксплуатация давридан бошлаб)</i>	<i>9,25 йил</i>	<i>10,25 йил</i>
<b>Соф жорий қиймат (NPV), (млн. АҚШ доллариди)</b> <i>*дисконтлаш нормаси 6,55 фоиз бўлганда</i>	<b>1 242,4</b>	<b>1 218,52</b>
<i>Лойиҳани ўзини оқлаш даври (қурилишдан бошлаб), йил</i>	<i>19,5 йил</i>	<i>20,5 йил</i>
<i>Лойиҳани ўзини оқлаш даври (эксплуатация давридан бошлаб), йил</i>	<i>15,75 йил</i>	<i>16,75 йил</i>
<b>Йиғма иқтисодий кўрсаткичлар (млн. АҚШ доллариди)</b>		
Ялпи тушум	28 353,53	28 319,05
Капитал қўйилмалар	3 557,34	3 557,34
Эксплуатация ҳаражатлари	7 371,12	7 371,12
Давр ҳаражатлари	313,97	313,97
Молиявий ҳаражатлари	873,66	873,66
Солиқ ва бошқа ажратмалар	7 699,28	7 699,28
<b>Молиявий маблағлар тақсимооти</b>		
Давлатнинг солиқ ва бошқа тушумлар кўринишидаги даромадлари	47,42 фоиз	47,48 фоиз
Инвестор даромади	52,58 фоиз	52,52 фоиз

\*Шартли равишда, лойиҳа доирасида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар нархи, валюта курси ўзгармас, операцион ҳаражатлар, амортизация ажратмалари, давр ҳаражатлари лойиҳа кечиккан йил учун ҳам ҳисобланади деб олинди.

1. Тармоқда сўнгги йилларда амалга оширилган инвестиция лойиҳаларида давомийлик нуқтасининг қатъий қўйилмаслиги ва унга риоя этилмаслиги (2-жадвал). “Ўзбекистон ЖТЛ” шартли лойиҳасида амалга ошириш муддатини ўзгаришининг солиштирма таҳлили асосида лойиҳани амалга ошириш муддатининг 12 ойга сурилиши IRR кўрсаткичини 9,26 фоиздан 9,06 фоизгача тушиб кетишига сабаб бўлиши маълум бўлган. Бундан ташқари NPV кўрсаткичини 23,9 млн.АҚШ долларигача тушиб кетишига сабаб бўлиши кўриб чиқилган (3-жадвал).

Маҳсулотлар нархи, валюта курси ўзгармас ҳолатда ҳамда операцион ҳаражатлар, амортизация ажратмалари, давр ҳаражатлари лойиҳа кечиккан йил учун ҳам ҳисобланади деб олинганда молиявий маблағлар тақсимоотида мажбурий тўловлар ҳажмини ортганлигини кўришимиз мумкин бўлади.

2. Портфель инвестициялар ва уларнинг устидан молиявий назоратнинг етарли даражада эмаслиги. Корхоналар фаолият йўналишлари ва уларнинг бугунги кундаги молиявий натижалари таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, портфель инвестицияларни мақсадли йўналтириш ва улар самарадорлигига эришишда тизимли таҳлил, қўшма корхоналар фаолиятини яхлит молиявий модель ёрдамида баҳолаш ва мувофиқлаштириш лозим.

#### 4-жадвал

### Нефть-газ корхоналари томонидан амалга оширилаётган лойиҳаларга салоҳиятли инвесторларни таснифлаш<sup>14</sup>

Лойиҳа йўналиши ва ўзига хослиги	Салоҳиятли инвестор	Инвесторга қўйиладиган талаб
<b>Инвестиция блокларини ўзлаштириш</b> <i>Катта инвестиция талаб қилади, харажатларни қайтиши даражаси секин, замонавий технологиялар талаб этади</i>	Глобал вертикал-интеграллашган компаниялар	Геология кидирув ишлари самарадорлигини ошириш ва интенсификация қилиш
